


СНДРУ
СНРЦИО ДАУЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
БУОШН

Т.Л. ХУРБАТИЕВА
С.Н. ЖУРАЕВА

ИЖТИМОИИИ ПСИХОЛОГИЯ



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЧИРЧИК ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Хурвалиева Тармиза Латиповна
Жўраева Сохибжамол Норқобилговна

ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯ
ЎҚУВ КЎЛДАНМА

Билим соҳаси: 100000 – Гуманитар
Таълим соҳаси: 110000 – Педагогика
Таълим йўналиши: 5110900 – Педагогика ва психология

-13816/83-

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TAILIM,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI
AXBOROT RESURS MARKAZI

ЧИРЧИК – 2023
«YANGI CHIRCHIQ PRINTS» NASHRIYOTI

Т.Л.Хурвалиева, С.Н.Жураева.
Ижтимоий психология / Ўқув қўлланма . – Чирчиқ: «Yangi chiqish printsi», 2023. – 208 б.

Мазкур ўқув қўлланмада ижтимоий психология фанининг мақсади, предмети ва вазифалари, ижтимоий психологиянинг фан сифатида шаклланиши, ривожланиш тарихи, ижтимоий психологиянинг назарий мабдалари, ижтимоий психологиянинг асосий мавзулари, таъдқиқий ва амалий соҳалари, асосий методлари, ундаги шахс, гуруҳ, бошқарув, муомала муаммолари назарий жиҳатдан ёритиб берилган. Шунингдек, ўқув қўлланмада ҳаёт жараёнидаги конфликтлар ва уларни самарали ечим топиш йўллари келтирилган. Умуман олганда конфликтологиянинг мазмун-моҳиятига урғу берилган.

Ушбу ўқув қўлланма хозирги кунда психологиянинг алоҳида соҳаси сифатида ижтимоий-сиёсий жараёнларни тушунтириш ва унга адекват муносабат ўрнатишга ёрдам берадиган ёрдам экан, таълим йўналишларидан академик лицей, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртимларида тахсил олаётган “Педагогика ва психология” йўналиши талабаларига айниқса, магистрантлари, аспирантлари, илмий изланувчилари, шунингдек, психология фани ўқитувчилари учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: психология фанлари доктори, профессор
Ғ.Б.Шоумаров

Тақризчилар:

Авляев О.-Тошкент ВЧДШИ, психология фанлари номзоди, доцент
Шамшетова А.-ЎзДЖТУ, психология фанлари номзоди, доцент

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 19 сентябрдаги 302-сонли қарорига мувофиқ ўқув қўлланма сифатида нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-9167-6-0

©Т.Л.Хурвалиева ва бошқ., 2023,
©«Yangi chiqish printsi» нашриёти, 2023.

К И Р И Ш

Хозирги даврда ижтимоий психологиянинг долзарблиги ва унинг жамиятдаги содир бўлаётган барча жараёнларга алоқадорлиги унинг таъдқиқий соҳаларининг доирасини ҳам кенгайтирди. Унинг асосий-таъдқиқий амалий соҳаларига: саноат ижтимоий психологияси, бошқарув психологияси, онда ва нинкоҳ борасидаги ижтимоий-психологияк ишлар, сиёсат ва иқтисодий тақомиллаштириш муаммолари, қонунбузарликнинг олдини олиш эҳтисожи ҳамда оммавий ақборот воситалари борасидаги амалий наизфалар киряди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги

“Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармонида Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислох қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юзсаяк маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори маънавли кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илгор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодий-тармоқларини ривожлантириш мақсад қилиб олинган.

Олимлар ва таъдқиқотчилар кўпроқ назарий масалаларни ҳал қилиш, умумий қону-қондаларни шарҳлаш, тушунтириш орқали жамият ва инсоният тараққиёти сабабларини ёритишга уринганлар. Лекин биз учун ижтимоий тараққиёт ва инсон тафаккури ривожланишини тездаштирувчи, унинг давр ва кишилар руҳига ҳамоханг тарзда кечилиши таъминлаб берувчи таъдқиқий хусусиятти ишлар ва илмий изланишлар зарур. Зеро, мамлакатимизда рўй бераётган туб ижтимоий-сиёсий ислохотлар айнан шуни талаб қилмоқда. Бунда эътиборга лойик долзарб муаммолардан бири-ёшларда янгича дунёқарашни шакллантириш, уларни янгича демократик муносабатларга руҳий жиҳатдан тайёрлашдир.

Бу вазифани бажаришда ижтимоий психологиянинг ўрни ва ролини аниқлаш, таъдқиқий изланишларни амалга ошириш ва ижтимоий психологияк амалиёт доирасида ушбу вазифани амалга ошириш йўллари топиш учун хозирги замон ижтимоий психологиясининг асосий таъдқиқий йўналишларини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Ижтимоий психология–кишиларнинг ижтимоий гуруҳларга бирлашишини, гуруҳий тавсифий, шахсининг руҳий фаолияти ва ҳулк-атворини, ижтимоий психологияк қонуниятлар, ҳолатлар, ҳодисалар,

ИЖТИМОЙ УСТАНОВКА КАБИЛАРНИ ТАДКИК КИЛГУЧИ ПСИХОЛОГИЯ СОҲАСИ ХИСОБЛАНДИ. Авваллари ижтимоий психологияда воқелик фалсафий нуқтаи назардан ўрганилиб келинган, лекин шахс, гуруҳ, жамоа муносабатлари камраб олинмаган. Ижтимоий психология фанига умумий психология, социология, антропология, этика, криминалогия, фалсафа каби фанлар асос бўлиб хизмат қилган. 19-асрнинг 2-ярмида уни фан сифатида ривожлантиришга илк уринишлар бўлган. Жаҳон жамоатчилиги томонидан ижтимоий психология 1908 йилдан фан сифатида тан олинган.

2-жаҳон урушидан кейинги йилларда АҚШ ва бошқа(лар) мамлакатларда психология муаммолари юзасидан тадқиқотлар ўтказила бошланди. Айниқса, АҚШда Которнинг ўтказган тажрибаси, Э.Мейнинг изланишлари психология соҳаси тарихида муҳим рол ўйнади. Бу тадқиқотларга кичик гуруҳлар асосий объект қилиб олинган, тажрибалар эса лаборатория шароитида ўтказилган. Бу йўналиш фан сифатида мулоқот, муомала қонуниятлари, шахслараро муносабат, шахсий ва гуруҳий ўзаро таъсир, гуруҳларнинг ички ва ташқи тўзлиниши, уларнинг турлари, таснифи, оммавий ҳолатлар ва ҳаракатлар, ижтимоий ва миллий онг, менталитет, миллий киффа, характер, таъб, анъана, одат, маросим ва бошқа(лар)ни текширади.

Ижтимоий психология бир неча соҳаларни ўз ичига камраб олади: этнопсихология, дин психологияси, оила психологияси, бошқарув (менежмент) ва маркетинг психологияси, кичик ва катта гуруҳ психологияси, модалар психологияси, реклама психологияси, инсонни инсон томонидан идрок қилиш психологияси, амалий ижтимоий психология кабилар. Ўзбекистонда бу йўналишдаги тадқиқотлар, асосан, мустақиллик даврида йўлга қўйила бошланди. Бу ишлар заминида ижтимоий психология соҳаларидан бири - "Оила психологияси" илмий мактаби вужудга келди.

Кейинги йилларда инсонларни ўзига жалб қиладиган, кўпдан-кўп эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган инсон билан боғлиқ илм психология илмидир. Тадқиқотчиларнинг фикрича, инсон ҳаётида асосий рол ўйнайдиган илмлардан энг муҳими бу психология илми. Бунда ички психология дунё ва инсоннинг ички руҳий кечинмалари, бизнинг ҳаётимиздаги хилма-хил осон ва қийин, яхши ва ёмон ҳаёт тарзидagi муаммолар инсонлар олдига бир қанча масалалар ечимига қандай қўз билан қараш кераклигига боғлиқ.

Инсонлар ҳаёт тарзидан қийналадилар ва уларга қарама-қарши бўлган ҳаётий вазиятларни излайдилар. Қандай қилиб уни топиш мумкин? Ҳаёт тажрибасидagi хатоларидан сабоқ чиқариш орқали муаммони ҳал қилиш

мумкин. Фақат у жуда қийин йўл, жуда катта асаб ва психологик зўрқишлар билан амалга ошadi. Ҳаммадан ҳам яхшиси шахсий тажрибалар йўли билан ўз хатти-ҳаракати ва ўзга инсон хатти-ҳаракатлари, ўз хатти-ҳаракатларини бошқара олиш усулидир.

Бунда бизга психологик тайёрлик катта ёрдам бериши мумкин.

Бу нарсалар инсонга керак нима учун? Бу тайёрловда биз асосий компонентни унга бўлаемиз.

1. Психологик маданиятни шакллантириш.

2. Психологик чуқур билимга эгалик.

3. Инсон меҳнат бозорига профессионал билимдонлигини кўрсатиши.

Психологик маданият-жисмоний тарбия тизимини давом этиши ўзининг психологик соғломлигига эътибор бериши, ўз-ўзини тан олиши ва бошқа инсоннинг маданияти ва ўзининг ҳулқ-атворини ўз ичига олади. Инсон ўзини ижтимоий муҳитга мослаб бориши лозим. Бу эса ҳаётда омма ичидa ўзини кўрсатишда катта рол ўйнайди яъни: ёл мутахассис олийоҳни тамомлагандан сўнг ўзига муносиб иш топа олиши ва ўзини хар қанча билимини заиф ва кучли томонларини билиши, ички потенциалини билиши ўзининг касби бўйича иш топа олиши каби ҳолларда кўринади.

Ушбу қўлланма асосан барча ҳаётий фаолиятдаги психологик ҳолатларнинг муҳим томонларини ўрганишга бағишланган. Раҳбарларга, бўлажак раҳбарларга (бакалавр, магистр) шунингдек кино актёр-актриса, шифокор, педагогларга, расом, хайкалтарошларга ҳам алоқадордир.

Шу маънода психология фанининг муҳим тармоғи бўлиши *ижтимоий психология* олдига турган вазифалар қўламини ва салмоғи каттадир.

Биз жамиятимиз ҳаётида рўй бераётган барча ўзгаришларнинг ижтимоий психологик моҳиятини ижтимоий психологиянинг буғунги ҳолати ва истиқболни нуқтаи назаридан таҳлил қилиш орқали бу фanning жамиятдаги ўрни ва имкониятларига баҳо беришни ният қилдик.

Ўқув қўлланмада кўтарилган масалалар ижтимоий ҳаёт сирларининг муҳтасар баёни бўлса-да, маълум маънода ижтимоий психология ва конфликтологиянинг илмий амагиёт ва илмий тадқиқот қуроли сифатидаги имкониятлари тўғрисида тасаввур беради.

Ижтимоий психология ва конфликтологиянинг вазифаларидан келиб чиқиб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилаётган ушбу китобнинг асосий максали инсоннинг жамият билан бўладиган қўлаб мурақаб муносабатлари тизимининг ижтимоий психологик механизmlарини ёритиб беришдир. Ушбу ўқув қўлланма ёшларга айнан психологик билимлар асосларини бера-да, умид қиламизки, уларни ўз атрофида рўй бераётган ислохотларга ҳолис баҳо

Бериш, ўзи ва ўзгалар рухияти сир-асрорларига бефарк бўлмаслик, ўз лаёкатларини ўстиришнинг элементлар воситаларидан боҳабар бўлишга ёрдам беради.

Китоб ижтимоий психология ва конфликтология асослари бўйича катор bilimларни беради, бунда албатта ижтимоий психологиядаги тадбикий, амалий соҳаларга, бошқарув ва раҳбарлик масалаларига, мулоқот ва уни самарали таъсир этиш йўлларига, мулоқотнинг шакл, босқич, воситаларига, шахснинг ижтимоий муносабатлардаги турли тоифаларига эътиборни қаратади. Ҳар бир мавзуда кўриладиган масалалар, қисқача ҳулоса, назорат саволлари ҳам берилган.

Республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар аҳолидан юксак маданиятти, ўз касбининг моҳир устаси бўлишни талаб этади. Шу нуқтан назардан касбий фаолият психология ва педагогик жиҳатлари билан фарқланади. Касбий фаолиятнинг психология жиҳатлари ходимларнинг келажакда ўз бурч ва мажбуриятларини самарали бажаришлари учун уларга зарур бўлган психология-педагогик тамойиллар, категориялар ва тушунчаларни сингдириш ҳамда касб маданияти ва этикаси талабларига мувофиқ хатти-ҳаракатларини изоҳлаш, хизмат вазифаларини тўғри бажаришга ўргатиш, ўз касбига меҳр-мухаббат, инсонга ҳурмат билан қарашни тарбиялашда намоён бўлади.

Ушбу ўқув кўлланимда талабаларнинг мутахассис сифатида касбий шаклланиш таъсирининг психология жиҳатларини очиб беришга яъни бугунги кунда иқтисодий ўзгаришлар туфайли қайсибир касб-ҳунар соҳалари ва мутахассисликлар учун жамият талаби анча сусайган бир пайтда ишлаб чиқаришда кадрлар фаолиятини тўғри бошқариш имкониятини шакллантириш ҳамда касб танлаш ва мутахассисларни тайёрлашдаги катор муаммоларни жиддий равишда таҳлил қилишга ёрдам беришга ишонамиз.

1-БОБ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

§ 1. Ижтимоий психология гояларнинг шаклланиш тарихи

Мавзу юзасидан тилчи сўзлар:
Ижтимоий психология, сонология, шахс ижтимоийлашуви, ижтимоий гаявларлар, муомала, бошқарув, оғил, катта ва кичик гурӯҳлар психологияси.

Жамият-бу инсонлар мажмуидир. Унинг тараккиёти ва маънавий силохияти кўп жиҳатдан ана шу инсонлар ўртасида юзага келадиган ўзаро муносабатларнинг табиғати, улар амалга оширадиган мураккаб ижтимоий ҳамкорлик фаолиятининг мазмунига боғлиқ. Ҳар бир инсон жамиятда яшар экан, у унда ўзига хос ўрин ва мустакил мавқе эгаллашга интилади, шунинг учун у ўзига хос интилиш, лаёқат ва фаоллик намуналарини намоён қилади.

Ижтимоий психологиянинг фан сифатида ривожланиш тарихига назар ташлар эканмиз, унинг жамиятнинг тарихий ривожланиши билан боғлиқ ҳолда ривожланганлигининг, илмий жиҳатдан эса, фалсафий қарашлар таъсирида бўлиб, соф ижтимоий психология назарияларнинг жуда кам сонли бўлганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Ижтимоий психология айнан мустакил юртимизнинг бунёдкорлари хисобланиши ёшларнинг психикасида шаклланиши зарур бўлган янгича қарашларга ва узаро муносабатларга ўргатиш йўлларини ижтимоий психология масалалари доирасида ечишга ёрдам беради, юксак маданиятли ва маънавий етук ҳалққа муносиб ворисларни тарбиялашга муайян хисса қўшади.

Ижтимоий психология жамиятимизда шахслараро муносабатларнинг табиғати ва қонуниятларини урганувчи фан сифатида узининг назарий тамойилларини амалиётга тадбиқ этмоги ва шу орқали янгича мазмундаги демократик муносабатларнинг жамиятнинг ҳар бир жамоасида, оиласида ва фуқаросида қарор топишга, ёшларда янгича фикрлашни ва дунёқарашни шакллантириш жараёнига қумаклаштириши зарур.

Ижтимоий психология жуда қадимий ва шунинг билан бирга у ўта навқирон фандир. Унинг қадимийлиги инсоният тарихи, маданияти ва маънавиятнинг илдиэлари билан белгиланади. Улар аслини олиб қараганда,